Бутун дунё пролетарл

СОВЕТ Ў

Ўзбекистон Компарти
Ўзбекистон ССР Олий Совети

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

24 сентябрь 19

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ШАРАФЛИ БУРЧИ

Колхозлар ва совхозларнинг пахта далаларида йиғим-терим ишлари кун сайин кучайиб боряпти. Қишлоқ меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг пахта етиштиришни 1975 йилда 7,0-7,2 миллион тоннага етказиш тўғрисидаги қарорини муваффақият билан амалга оширишга интилмоқда. Узбекистон деҳқонлари умумхалқ мусобақасига қўшилиб, бу йил Ватанга 4 миллион 400 минг тонна, Туркманистон—800 минг тонна, Тожикистон—725 минг тонна, Озарбайжон 350 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар. Пахтакорлар мана шу муҳим халқ хўжалиги вазифасини бажаришда давлатнинг бераётган жуда катта ёрдамига суянмоқдалар. Суғориладиган ер майдонлари кенгайди, ерни ишлаш ва пахтани териб олиш учун машиналар кўпайтирилди, колхозлар ва совхозлар экинзорларга кўпроқ минерал ўғит солиш имкониятига эга бўлдилар.

Ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, кўпгина хўжаликларнинг меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштира олдилар. Андижон областидаги илғор колхозлардан бири — «Пахтакор» колхозининг раиси Ҳаким Қаюмов «Правда» газетасида бундай деб ёзади: «Бултур биз 840 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,6 центнердан ҳосил олган эдик. Бу йил Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турдихон Сатторова бошлиқ бригада гектаридан камида 50 центнердан, тажрибали миришкорлардан М. Тожибоев, Х. Рахимов ва И. Мансуров бошлиқ бригадалар 40 центнердан ҳосил териб олишмоқчи».

Бу йил кузда пахта аввалги йилдагига қараганда эрта пишди. Ҳамма жойда оммавий терим бошланиб кетди. Эндиликда ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан техникадан қандай фойдаланишга боғлиқдир. Кўпгина хўжаликлар барча пахта териш машиналарини барвақт тайёрлаб, шу машиналарда ишлаш учун малакали кадрларни танлаб олдилар. Узбекистонда илғор механик-ҳайдовчиларнинг ташаббуси билан ҳосилни қисқа муддатда ва нобуд қилмай териб олиш учун, смена топшириқларини хар куни ошириб бажариш учун мусобақа кенг қулоч ёйди. Минглаб механизаторлар далаларда зарбдор меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Улар ҳар қадамда ижодий ташаббус кўрсатиб, техникадан самарали фойдаланмоқдалар.

Сурхондарё областидаги Ленин номли совхознинг механизатори А. Қурбонов ва Қосим Раҳимов номли колхоздаги унинг мусобақадоши Д. Рустамов энг юқори меҳнат унумига эришди. Улар ҳар куни 20-25 тоннадан пахта термоқдалар. Шу механизаторларнинг ҳар бири мавсум бошидан бери 300 тоннадан кўпроқ пахта териб топширди. Охунбобоев номли совхозда механик-ҳайдовчи А. Ёқубов ҳам қарийб шунча пахта терди. Шеробод районининг механизаторлари машиналарда 5 минг тоннадан кўпроқ пахта тердилар. Бу эса планнинг 40 процентини ташкил қилади.

Озарбайжон колхоз ва совхозларида техникадан моҳирона фойдаланяптилар. Бу ерда группа-группа бўлиб ишлаш методи кенг жорий қилинган, машиналарнинг икки смена бўлиб ишлаши ташкил этилган. Ўз бригадалари, участкаларида пахтани қўлда теришдан деярли воз кечган Шабан Ризаев ва Сардор Имралиев каби машина терими усталарининг тажрибасини ўзлаштирган механизаторлар меҳнат унумдорлигини кун сайин оширмоқдалар. Республика пахтакорлари давлатга пахта сотиш планини сентябрь ойида бажариш мажбуриятини олдилар.

Лекин ҳамма жойда ҳам пахта терими шундай муваффақиятли боряпти, деб бўлмайди. Масалан; Туркманистонда машина терими учун баъзи участкалар тайёрлаб қўйилган эмас. Мари ва Чоржўй областининг хўжаликлари ғўза баргларини тўктиришни кечиктириб юбормоқдалар. Бунинг натижасида машиналарни ишга солиш қийинлашяпти. Сакарчаги, Мурғаб, Туркманқалъа районларида машиналар ҳали ҳам тахт қилиб қўйилган эмас ва шунинг оқибатида ҳосилни териб олиш муддатлари кечиктирилмоқда. Республикада сентябрь ойининг ўрталарига келиб машина терими борйўғи 2 процент бажарилганлиги ҳам тасодифий эмас. Бундай ҳолларни Узбекистонда ҳам учратиш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда сентябрь ойининг бошларигача машиналарнинг ярмидан камроғи тахт қилиб қўйилган эди. Хоразм областида эса 2.160 пахта териш комбайнларидан 1.580 таси ремонт қилинган эди. Қашқадарё областида ҳам ҳалигача баъзи машиналар теримга шай қилиб қўйилган эмас.

Йиғим-теримнинг дастлабки кунларида юз бераётган камчиликларни тезроқ бартараф қилиш — маҳаллий партия ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик органларининг, «Сельхозтехника» бўлимларининг, хўжалик ходимлари ва мутахассисларнинг бурчидир. Барча машиналар ва подборшчикларнинг тўла-тўкис ремонтини жуда қисқа муддат ичида тугатиш, пахтаси машиналарда териб олинадиган участкаларни тайёрлаб қўйиш керак. Ҳар бир агрегатдан унумли фойдаланиш тўғрисида қайғуриш керак, албатта.

Пахта далаларида йиғим-теримни механизациялаш ишлари тобора кучаймоқда, лекин ҳосилнинг анча қисмини ҳали ҳам қўлда теришга тўғри келади. Минг-минглаб теримчилар далага чиқдилар. Шулардан ҳар бирининг кундалик нормани тўла ва ошириб бажариши учун ҳамма шарт-шароитларни яратиш муҳим вазифадир.

«Социалистик мусобақани уюштиришни янада яхшилаш тўғрисида» КПСС Марказий Комитетининг қарори қишлоқлардаги меҳнат аҳлининг ғайратини янада кучайтириб юборди. Колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари пахта далаларида мусобақани кенг авж олдиришга ҳар жиҳатдан кўмаклашишлари, илғорларни муносиб даражада тақдирлашлари, уларнинг тажрибалари ва иш усулларини барча меҳнаткашлар ўртасида кенг ёйишлари керак.

Пахта ортган карвонлар тайёрлов пунктлари сари йўлга тушди. Мамлакатимиз Узбекистон далаларидан 1 миллион тоннадан ортиқ пахта олди. Тожикистон колхозлари ва совхозлари тайёрлов пунктларига 265 минг тонна пахта топширдилар. Пахта топшириш кундан-кун кучайиб кета беради. Пахтани узлуксиз ташишни ва қабул қилишни ташкил этишга алоҳида эътибор бериш керак. Пухта ишлаш, барча омборларни ва асбоб-ускуналарни тахт қилиб қўйиш, пунктларга келтирилаётган ҳосилни кеча-кундуз қабул қилишни йўлга қўйиш, унинг авайлаб сақланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш— тайёрлов органларининг бурчидир.

Колхозлар ва совхозлар пахта билан бир қаторда бошқа кузги экинларнинг ҳосилини ҳам йиғиштириб олмоқдалар. Лавлагикорлар ва картошкакорлар олдида катта ишлар турибди. Кунгабоқарни тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш керак. Айни вақтда шоли ва донлик маккажўхори ўрим-йиғимининг ҳал қилувчи даври бошланди. Меҳнатни моҳирона ташкил этиш, техниканинг бутун куч-қувватидан фойдаланиш барча кузги ишларнинг ягона комплекс тарзда олиб борилиши учун кучларни жой-жойига тўғри тақсимлаш — асосий масаладир.

Шонли байрам — Улуғ Октябрнинг 54 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Шу байрамни давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планини тўла ва ошириб бажариш билан кутиб олиш — пахтакорларнинг, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг шарафли ишидир.

(«ПРАВДА» газетасининг 23 сентябрдаги бош мақоласи).

4.400.000 ТОННА УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида
1971 йил 23 сентябрга бўлган маълумот
(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Машинада бир кунда	Машинада мавсум бошидан буён
Қашқадарё	2,57	46,93	2,76	23,70
Сурхондарё	2,62	42,33	2,94	32,08

Тошкент
Андижон
Сирдарё
Бухоро
Наманган
Фарғона
Самарқанд
Хоразм
ҚҚ АССР

Республика бўйича:

Шу жумла
Сурхондарё
Қашқадарё
Бухоро

Республика бўйича: 1,8

...АЗИЯТДА

...ҳкамлаш учун, озодлик ва та-
...ққиёт тантанаси учун олиб бори-
...ётган умумжаҳон тарихий кура-
...ида қуролдош ўртоқлар ва оға-
...илар бўлиб баррикаданинг бир
...рафида турибдилар. Давлатлари-
...з ўртасида турли соҳаларда
...тта ҳамкорлик ривожланиб бор-
...қда, иккала мамлакатнинг раҳ-
...рлари шу ҳамкорликни мустаҳ-
...млаш ва ривожлантириш тўғри-
...да ғамхўрлик қилишни ўзлари-
...нг бурчлари, деб ҳисоблайдилар.
...1955 йилги Белград деклара-
...ясида ҳамда 1956 йилги Москва
...ёнотида Совет — Югославия
...носабатларини ривожлантириш-
...нг муҳим принциплари мустаҳ-
...млаган. Бу ерда гап ҳозирги ша-
...итда шу принциплардан қанча-
...к тўла ва кенг кўламда фойда-
...ниш тўғрисида бораётир.

...Шуни мамнуният билан айтиш
...умкинки, сўнгги вақтларда бу
...рада анча-мунча иш қилиб қў-
...лди. Бизнинг сиёсий-иқтисодий
...мий ва маданий соҳалардаги
...оқаларимиз мустаҳкамланди.
...ПСС билан ЮКС ўртасидаги ало-
...лар мунтазам бўлиб қолди. Ле-
...н биз, ўртоқлар, бу алоқаларда
...али фойдаланилмаган катта-катта
...кониятлар борлигини биламиз.
...иёсий ҳамкорликка келганда эса
...анча мазмунли ва мунтазам бў-
...шни мумкин эди. Бу нарса сано-
...нинг бир қанча соҳаларида ўза-
...о манфаатли ихтисослашни ва
...ооперациялашни зўрайтириш, ил-
...ий-техникавий ҳамкорликни мус-
...аҳкамлаш истиқболларига оид-
...ир. Бугун бошланган фикр-
...ашувимиз Совет Иттифоқи
...илан Югославия ўртасидаги
...уносабатларнинг барча со-
...аларида янада олга боришимизга
...рдам бериб, халқаро хавфсизлик-
...и мустаҳкамлаш борасида бирга-
...ашиб олиб бораётган ишимиз
...учун янги-янги имкониятлар очиб
...еради, деб ишонамиз.

...Жаҳонда муносабатларнинг
...шундай ривожланиб боришига ҳа-
...ақит беришдан толмай ўртадаги
...ар қандай келишмовчиликларни
...ўпайтиришга интилаётган, қандай
...ўл билан бўлмасин орага низо ту-
...ширишга ҳарчанд уринаётган ҳар
...ил кучлар борлигини сиз билан
...из яхши биламиз. «Чекланган су-
...еренитет доктринаси» деб атал-
...ан қуруқ гапни тарқатган, гўё
...олқонга юриш қилиш учун тайёр
...урган Совет Армиялари тўғриси-
да миш-мишлар ва бошқа кўп сафсаталар тарқатган кишилар ҳам шулардир. Гўё Югославия — аллақандай «аросатдаги зона», гўё у «ғарбга ён босиб бормоқда» деган ҳар хил шунга ўхшаш уйдирмалар ҳам йўқ эмас.

Шу сингари ҳамма туҳматчилик уйдирмаларини рад этиш учун бекорга вақт сарфлашнинг кераги йўқ, деб ўйлайман. Аммо бу бўҳтонлар Совет — Югославия дўстлиги ишини ҳимоя қилиш кераклигини, ҳамиша сира бўшаштирмай ҳимоя қилиш кераклигини бизга эслатиб туради.

Ўртоқлар! Учрашувларимиз яхши, самимий вазиятда бошланди. Бундай учрашувлар бундан буён ҳам айни шу таҳлитда ўтаверади, деб ишонаман. Ҳамкорлигимиз, халқаро майдондаги, даставвал, Европадаги ўзаро келишилган ҳаракатларимизга доир масалаларни ўртоқларча муҳокама қилиш партияларимиз билан давлатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва дўстликни чуқурлаштиришга хизмат қилса ғоят хурсанд бўлардик.

Ўртоқлар, халқларимиз ўртасидаги дўстликни ривожлантиришга шахсан катта ҳисса қўшаётган Югославия Социалистик Федератив Республикасининг президенти, Югославия коммунистлар союзининг раиси ўртоқ Иосип Броз Титонинг сиҳат-саломатлиги учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилишга рухсат бергайсиз.

ЮКС Президиуми Ижроия бюроси аъзоларининг сиҳат-саломатликлари учун, шу ўтиришда ҳозир бўлган югославиялик барча ўртоқларнинг сиҳат-саломатликлари учун қадаҳ кўтаришга рухсат бергайсиз.

Сизларга ва сизлар орқали қардош Югославиянинг барча коммунистларига, гражданларига социализм қурилишида бахт-саодат, равнақ, катта-катта муваффақиятлар тилашга рухсат этгайсиз.

И. Броз Тито ва Л. И. Брежнев нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан бир неча бор бўлиниб турди.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Шу куниёқ ЮСФР президенти, ЮКС раиси ўртоқ И. Броз Тито КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев шарафига катта қабул маросими ўтказди.

...АШКИЛОТИ

Ўзлари раҳбар бўлган синфларда юқори ўзлаштиришга эришмоқдалар. Ўз бурчларини сидқидилдан бажараётган ана шундай коммунист ўқитувчилар ёрдами, ташаббуси натижасида мактабимиз янги ўқув йилини муваффақиятли бошлаб юборди. Шу кунларда 44 синфда меҳнаткашларнинг 1 минг 415 ўғил-қизлари фан асосларини ўзлаштирмоқдалар.

Мактабимизда 11 миллат фарзанди таълим олмоқда. Биз мактаб маъмурияти билан ҳамкорликда интернационал дўстлик клуби ташкил этганмиз. Клуб 6 йилдан бери ишламоқда. Унинг 15 аъзоси бор. Унда турли секциялар иш олиб бормоқда. Жумладан «Ранг-баранг галстуклилар» секцияси ўқувчиларни қардош республикалар ва чет мамлакатлардаги ёшлар ҳаёти билан таништиради. «Ўн беш қардош республика» секциясининг аъзолари иттифоқдош республикаларнинг ҳаётини ўрганадилар. Секция аъзоларининг кучи билан ана шу республикалар маданияти, маорифи ва халқлари ҳаётини акс эттирувчи альбомлар, стендлар ташкил этилган.

Мактабимизда педагогик ишни илмий асосда ташкил этишга алоҳида эътибор берилялти. Бу ишда коммунист Раҳмат Салаватов раҳбарлик қилмоқда. У шу билан бир қаторда область ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг НОТни жорий этиш бўйича жамоатчи методисти ҳам ҳисобланади. Р. Салаватовнинг ташаббуси билан мактабда НОТни ташкил этиш бўйича бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Биринчи навбатда ўқитувчиларнинг дарсдан ташқари ишларини тўғри тақсимлаш, уларга ортиқча вазифалар юкланишига йўл қўймаслик НОТ талабларидан бири қилиб қўйилди.

Бундан ташқари, «НОТ ташаббускорлари» деб номланган тўгаракда асосан меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирлари ўргатиляпти. Бунга бағишлаб махсус низом ҳам тузилди. Тўгарак аъзоси бўлган ўқувчиларнинг «уч» баҳоси бўлмаслиги талаб этилади. НОТ аъзоларининг фикр-истакларини билиш учун алоҳида анкеталар тарқатилади.

Ўтган йили V—X синфлар учун турли саволларни ўз ичига олган шундай анкета тарқатилди. «Сен дарсни қачон ва қанча вақт тайёрлайсан?» деган савол ўқувчиларни жуда қизиқтирди. Олинган жавоблар умумлаштирилиб, синфларда муҳокама қилинди. Бу тадбир ижобий самара берди. Аълочилар сони кўпайди, ўқиш-ўқитиш ишларида бир қанча ўзгаришлар юз берди. Бу масала мактаб коммунистларининг умумий йиғилишида ҳам муҳокама қилинди. Фойдали таклифлар айтилди, ўқув-тарбиявий ишларнинг сифатини оширишга қаратилган аниқ фикр ва мулоҳазалар билдирилди. Коммунистларнинг ташаббуси ва амалий ёрдами туфайли шунга ўхшаш қатор тадбирларни амалга ошириш натижасида ўтган ўқув йилида мактабимизда кўпчилик ўқувчилар ёки 44 синфдан 40 таси 100 процент ўзлаштиришга эришди. Мактабни 92 ўғил-қиз муваффақиятли битириб чиқди. Шундан 37 бола ҳозир олий ўқув юртларида ўқимоқда.

Мактаб партия ташкилоти 300 комсомолни ўз сафига уюштирган мактаб комсомол комитети ва пионер ташкилотининг ҳам асосий диққат-эътиборини ўқувчилар томонидан фан асосларини пухта эгаллаш, ўқув-тарбиявий ишлар савиясини оширишда мактаб маъмуриятининг мустаҳкам таянчи бўлиш руҳида тарбиялашга қаратмоқда.

Т. ЭРНИЕЗОВА,
Самарқанд область, Иштиҳон районидаги Ленин номли 8- ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари.

КПСС XXIV съезди қарорл

СЪЕ

БЕШ ЙИ

ДЕХ

Маматқул ТОЖИБОЕВ,
Андижон область, Балиқчи районидаги «Пахтакор» кол
республикада хизмат кўрсатган пахта

„СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ" АНКЕТАСИГА

КПСС XXIV съезди ва унинг қарорлари Сизда қандай таассурот қолдирди, Сизни нималар қизиқтирди ва тўлқинлантирди!

Ёшим 64 га борди. Кўп қийинчиликларни кўрдим. Айниқса колхоз тузуми давридаги оғир кунларнинг шоҳиди бўлдим. Ҳаётнинг жуда кўп сўқмоқларидан юриб, истиқбол йўлига чиқдим. Бу давр ичида қанчадан-қанча ўзгаришлар рўй берди. Турмушимиз яхшиланди. КПСС XXIV съезди одамларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш вазифасини қўйди. Колхозчиларнинг иш ҳақини, қариялар пенсиясини кўпайтириш зарур деди. Ростини айтсам, буни эшитиб, теримга сиғмай қувониб кетдим. Партия, ҳукуматимизга минг раҳмат!

Ўтган беш йилликда қишлоғимиздаги барча хонадонга водопровод суви кириб келди. Кўп уйлар газлаштирилди. Телевизор, радио ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки, бу биз учун босиб ўтилган йўл бўлиб қолди. Ҳозир рангли телевизор сотиб олишни ўйламоқдамиз. Қисқа қилиб айтганда, партия XXIV съезди турмуш фаровонлиги съезди бўлди. Менинг фикрим шундай. Партиямизнинг тутган йўли — жуда тўғри йўл. Кўзланган мақсадга эришиш учун кишиларнинг меҳнатга бўлган қизиқишини кучайтириш керак.

Саккизинчи беш йилликка қандай ҳисса қўшдингиз!

37 йилдан бери бригадирман. Утган беш йилликда бригадамиз бўйича 2457 тонна пахта топширдик. Бу, планда кўзда тутилгачидан 150 тонна кўп. 1970 йилда 145 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олдик. Пахтанинг кўп қисми юқори сортларга қабул қилинди.

Даромад ҳам кўпайди. Бригадамиз бўйича 1966 йилда 243 минг сўм даромад олинган эди. Ўтган йили 261 минг сўм пул даромадига эга бўлдик. Пахта етиштириш учун қилинган харажатлар илгаригига нисбатан анча камайтирилди. Бултур шу ҳисобга 95 минг сўм соф фойда кўрдик. Бригадамиз аъзоларининг ўртача бир ойлик иш ҳақи ўтган беш йил ичида 130 сўмдан 153 сўмга етди. Бу мисоллар саккизинчи беш йиллик бригадамиз учун ўсиш, юксалиш йиллари бўлганини яққол кўрсатиб турибди.

Колхозимиз бўйича олганда ҳам ҳосилдорлик ортди, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Беш йилда колхозимиз давлат омборига 16803 тонна пахта тўкди. Бу, пландагидан 1180 тонна кўп. Шу давр ичида 1 миллион 859 минг сўм соф фойда олинди. 1970 йилда колхозимизда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 27 центнердан 30 центнерга кўтарилди. Олинган даромад 1 миллион 807 минг сўмдан ортди. Ўтган йили колхозчиларнинг бир кунлик иш ҳақи 6 сўм 23 тийинга тўғри келди.

Тўққизинчи беш йилликка қандай режалар туздингиз! Беш йиллик шахсий планингиз қандай! Ҳосилдорликни ошириш учун қандай резерв ва имкониятлар бор!

Ҳозир бутун совет халқининг диққат-эътибори тўққизинчи беш йиллик планларини муддатидан олдин бажаришга қаратилган. Бригадамиз ва колхозимиз аъзолари ҳам шу ҳақда ўйлашяпти. Ҳамқишлоғимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Турдихон Сатторова КПСС XXIV съездида иштирок этиб келгач, колхозимизда катта йиғин бўлди. Турдихо
гапириб бер
лари янги б
гектар боши
лар.

Бу йилги
зимиз бўйич
Ҳар гектар
ўтган йилдаг
ҳосил олиш
эса бу йил
да, яъни 170
Ҳосилдорлик
тарамиз

Колхозими
терим уюшқ
мини жадалл
ана шу граф

Колхозда п
ча тўлдирам
пахта тайёрл
га суръат қў
гиладик. Нор
лантириб тур
мизда ҳам
гаймоқда М
Хайрихон Ма
чевар терим
килограммда

**Сизнингча,
тайёрлаш пл
учун мусоба**

Мусобақа
у тўғри таш
натижаси эъ
фотланса, ул
айтилса ода
ғонади.

Колхозими
бири-бири б
радиоузел о
лениеси ва
Қизил байро
вимпеллар б
дай тушунам
этилса, ҳамм
либ қолади
Марказий Ко
қарорига ри

**Хўжалигинг
қандай!**

Колхозимиз
учун уни ас
пахта тайёрла
соламиз.

**Колхоз пах
маишати қанд**

Колхозимиз
ғамхўрлик қи
яхшилаш учу
ди. 10 та дал
дек жиҳозла
радио, телев
кутубхона, га
кил этилган.
турибди. Бир
боғча-ясли б
Назира Исҳо
Қўчқорова ўр
вона. Ошпаз
сов лаззатли
кашларининг



ТЕРИ

Шу кеча-кундузда республикамиз колхоз ва совхозларида иш ғоят қизғин. Қаттаю кичикнинг фикри-зикри ёз бўйи қилинган меҳнатнинг самараси — пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш билан банд. Ана шундай долзарб кунларда соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари ходимлари зиммасига ҳам катта, масъулиятли вазифалар юклатилган.

Пахта йиғим-терими вақтида механизациянинг аҳамияти ортиб, ҳал қилувчи кучга айланиб қоляпти. Лекин шунга қарамай ҳали пахтани қўлда териб олишга эътибор катта. Шундай экан, далада меҳнат қилаётган теримчилар ва ҳашарчилар сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда шифокорларимизга партия, совет ва хўжалик ташкилотлари яқиндан ёрдам беришлари керак.

Бундан бир неча йил муқаддам Ш. Турғунов, С. Соипов, Е. Я. Давтян, С. А. Межлумов каби саломатлик посбонлари пахта йиғим-терими даврида майда жароҳатланишнинг оқибати нималарга олиб боришини илмий томондан асослаб берган эдилар. Баъзи теримчилар қўл терисининг шилиниши, тимдаланиши ва ёрилишига эътиборсизлик билан қарайдилар, вақтида олдини олмайдилар.

Маълумки, қуриб қолган чаноқ ёки ғўза шохларига тегавериши натижасида теримчи-

...рактерли томонларини ёритиб ...ганлар. Шунингдек бу асар...да ўзбек совет адабиётининг ...ихий тараққиёти айрим ёзув...лар ижоди мисолида кўрсатиб ...илган.

...О. Султонов А. М. Горький но...даги жаҳон адабиёти ва Ўзбе...тон ССР Фанлар академияси ...С. Пушкин номидаги Тил ва ...биёт институти томонидан ...квада рус тилида чиқарилган ... томлик «Ўзбек совет адабиёти ...ихи» (1967) китобининг муал...ларидан ва таҳрир ҳайъати ...оларидан биридир. Ана шу ка...ал тадқиқот авторларидан би... бўлган олимга 1970 йили Абу ...ҳон Беруний номли ЎзССР ...лат мукофоти берилган.

...О. Султонов филология соҳаси... илмий кадрлар тайёрлаш иши... ҳам муносиб ҳисса қўшиб кел...да. Унинг шогирдлари илмий... ...шириш институтлари ва олий ...в юртларида самарали иш ...иб бормоқдалар.

...Оддий деҳқоннинг ўғли бугунги ...да республикамизга танилган ...им ва тиниб-тинчимас жамоат ...боби бўлиб етишди. Унга яна ...оқ умр, ижодига баркамоллик ...лаймиз.

Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ,
ЎзССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.
Рўзи ҚОДИРИЙ,
Филология фанлари кандидати.
К. ҚУРАМБОЕВ,
аспирант.



...ни таъминлаймиз ҳамда ўз мамлакатимизда ҳокимиятни қўриқлаймиз.

— Сўзларингиз жуда маънoли, жаноб Министр. Ҳукуматингизнинг ёрдам программаси ер юзида аҳоли ўсишининг мувозанатини сақлайди. Лекин жамоатчилик бунга нима деркин? Камбағалликни ва камбағалларни қурол кучи билан йўқотиш мумкинлигига ҳамма ҳам ишонавермайди, ахир.

— Қўйсангизчи, ўша жамоатчилик фикрини, — деди жаноб Министр жаҳли чиқиб. — Жамоатнинг фикри менга бир пул. Мен унга ҳеч эътибор бермаганман. Ҳозир ҳам шундай қиляпман. Яна саволларингиз борми?

— Иккитагина.

— Тезроқ бўлинг. Ҳар бир дақиқа мен учун тиллага баробар.

— Юқорида айтганингиздек, ҳукуматингиз иттифоқчиларга уч миллиард сўм ажратаркан. Бу бутунлай беғараз ёрдамми?

— Албатта, беғараз. Лекин йўл-йўлакай биз ўз ҳавфсизлигимиз ва улуғворлигимизни ҳам таъминлаймиз. Бунинг ҳеч ажабланарли ери йўқ. Яна бир минут вақтим қолди. Саволингиз борми?

— Раҳмат, жаноб Министр. Яна битта шахсий савол.

— Сўрай қолинг...

— Агар навбатдаги сайловларда сизни президент қилиб сайлашса, нима қилган бўлардингиз?

— Мени президент қилиб?

— Худди шундай. Агар соф ниятли кишилар сиз учун овоз беришса, нима қилардингиз?

— Бунга кўзим етмайди. Борди-ю президент бўлиб қолсам, сизнинг мамлакатингизга ёрдам бериш программасини кенгайтирардим.

Журналистни чаён чаққандай бўлди. Ўрнидан сакраб туриб, кўчага отилди. У додлаганича:

— Ёрдам беринглар, ёрдам беринглар, — дея орқасига қарамай қочиб борарди. Уни полициячи тўхтатди.

— Ҳужжатингизни кўрсатинг.

Журналист қўллари қалтираб паспортини олди.

— Сиз чет эл журналисти эркансизку, нега шовқин соласиз? Ахир сизга ҳеч ким хавф солмайди.

— Менинг мамлакатимга хавф солишяпти. Бундан атиги икки минут аввал жаноб Министр менинг мамлакатимга ёрдам беришни ваъда қилди!

Мартти ЛАРНИ,
фин ёзувчиси, (АПН).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММ...

13.00 — МОСКВА. 18.00 — ...КЕНТ. 19.05 — Ахборот, 19... СССР халқ артисти **Раззоқ ...РАЕВ** (ижодий портрет). **Ўзб...лида:** 20.20 — Ахборот, 20... Ота-оналар университети, 2... Бир келиб кетинг, қишлоғим... 22.30 — Ўзбекистонда қозоқ ...биёти ва санъати декадаси ...дан. **«БУСТОН».** 23.30 — ... фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — ...ғирчоқ фильм, 18.20 — Фи... концерт, 19.00 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ, 20.20 — Фо...тепиано куйларидан концерт, 21... — «Тўлқинда-02», 21.20 — Филь... концерт, 21.55 — **Ота уйи** (бади...ий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/IX да **Майсаранинг иши**, 25/IX да **Аида**, 26/IX да **Ёрил тош** (кундуз), **Оққуш кўли** (кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва Давлат цирк артистларининг гастроллари.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Дунё (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «СПУТНИК», «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 3.20 минутда).

Ҳалокатли хато — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Митти қайиқча (эрталаб соат 10, кундуз 2, 4 ва кеч 9.45 минутда). **Менинг сўнгги тангоим** (кундуз соат 12: кеч 6 ва 8 да). **Мазондарон шери** (тоқ соатларда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Ўн икки стул (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Музика садолари — «МОСКВА» (кундуз соат 12.30 минут ва кеч 6 да).

ЁЗГИ БИНОДА

Ёввойи қалб — «ФЕСТИВАЛЬ», **Дунё** (2 серия) — «ХИВА».

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО БИЛИМ ЮРТИ

мева ва сабзавотлар сотувчиларини тайёрлайдиган махсус группаларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Машғулотлар ўзбек тилида олиб борилади.

Ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган 15-25 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш 1 октябрдан бошланади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар, бошқа жойлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар: ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақида гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, соғлиги ва турар жойидан справкалар, характеристика, 3Х4 сантиметр ҳажмдаги уч дона фотосурат, шаҳар торгидан йўлланма топширадилар. Ҳарбий билет ёки рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-86, «Оқтепа» массиви, Самарқанд дарвоза кўчаси, 60-уй (12, 32, 34, 29, 36, 48 автобуслар, 4, 9, 15, 19, 21 трамвайларнинг «Оқтепа» бекати.

РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ РЕСПУБЛИКА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

жисмоний тарбия ва спорт кафедраси катта ўқитувчилари ва ўқитувчилари вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-110, Литературная кўчаси, 4-уй.

Ўзбекистон ССР ДОСААФ Республика комитети ва ўқув ташкилотлари коллективи Республика комитети раисининг ўринбосари А. М. Мамажоновга рафиқаси

Каромат Шукуровна МАМАЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

...Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — ...аноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши ...Маҳаллий ахборот ва спорт — 3?1424. Оммавий ишлар ва хатлар ...330250, 330251 330252, 330253, 330254 330255, 330256, 330257, 330258 ...— 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09

ИНДЕКС — 64697. Р. 02852.